

АБДУЛЛАЕВ Равшан Вахидович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризм кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори
ravshan.v.abdullaev@gmail.com

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

СВОБОДА СОВЕСТИ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ – ЗАЛОГ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

FREEDOM OF CONSCIENCE AND RELIGIOUS TOLERANCE AS A FOUNDATION FOR SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати Концепцияси ҳақидаги Қонуннинг боблари, хусусан, унинг “Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари” деб номланган 6-бобида баён этилган иқтисодиётни тартибга солишга оид йўналиши атрофлича шарҳланган. Мақолада иқтисодиёт соҳасидаги дунёвийлик бу — давлат томонидан иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда эмпирик далиллар, оқилона таҳлил ва объектив кузатувларга асосланган иқтисодий қонуниятлар, принциплар ва институтларга таяниш заруратига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, иқтисодиётни тартибга солиш йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: виждон эркинлиги, диний соҳадаги давлат сиёсати, Концепция, дунёвий давлат, диний эркинлик ва бағрикенглик, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий барқарорлик, иқтисодий эркинлик, эмпирик далиллар, инновациялар.

Аннотация. В данной статье анализируются главы Закона о Концепции обеспечения свободы совести граждан и государственной политики в религиозной сфере в Республике Узбекистан, в

частности, направление регулирования экономики, изложенное в 6-главе “Приоритетные направления и механизмы развития светского государства”. В статье особое внимание уделяется светскости в экономической сфере - необходимости опоры государства на экономические закономерности, принципы и институты, основанные на эмпирических данных, рациональном анализе и объективных наблюдениях при регулировании отношений между субъектами экономики. Также освещены основные механизмы обеспечения светскости в направлении регулирования экономики.

Ключевые слова: свобода совести, государственная политика в религиозной сфере, Концепция, светское государство, религиозная свобода и толерантность, экономическое развитие, социальная стабильность, экономическая свобода, эмпирические доказательства, инновации.

Abstract. This article analyzes the chapters of the Law on the Concept of Ensuring Citizens' Freedom of Conscience and State Policy in the Religious Sphere in the Republic of Uzbekistan, particularly focusing on the economic regulation direction outlined in Chapter 6, “Priority Directions and Mechanisms for the Development of a Secular State.” The article emphasizes secularism in the economic sphere, highlighting the state's need to rely on economic laws, principles, and institutions based on empirical data, rational analysis, and objective observations when regulating relations between economic entities. The main mechanisms for ensuring secularism in economic regulation are also discussed.

Keywords: freedom of conscience, state policy in the religious sphere, Concept, secular state, religious freedom and tolerance, economic development, social stability, economic freedom, empirical evidence, innovations.

КИРИШ

Виждон эркинлиги – ҳар бир шахснинг ўз виждони ва эътиқод масалаларида эркин қарор қабул қилиш ҳуқуқи, диний бағрикенглик эса жамиятда турли эътиқодларга нисбатан ҳурмат ва тоқатлиликни англатади. Бугунги глобаллашган дунёда бу қадриятлар нафақат инсон ҳуқуқлари, балки иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий барқарорлик учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Турли тадқиқотлар ва халқаро тажриба шуни кўрсатадики, диний эркинлик ва бағрикенглик юқори бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари нисбатан жадалроқ ва ижтимоий барқарорлик мустаҳкамроқ бўлади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар билан

бир қаторда фуқароларнинг диний ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида маърифат ва диний бағрикенгликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди. У Ўзбекистон ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказишни энг муҳим вазифалардан бири деб билишини, бу динни зўравонлик ва қон тўкиш билан боғловчиларни қоралашини қайд этди. Президент Ислом дини эзгулик, тинчлик ва инсоний кадриятларни асрашга чорлашини уқтирди [2]. Бундан ташқари, 2018 йил декабрда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси “Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясини қабул қилди. Ушбу резолюциянинг асосий мақсади барчага таълим олиш имкониятини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатни бартараф этиш, шунингдек, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш ҳамда диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўмаклашишдан иборат [3].

Виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликнинг иқтисодий фаолиятга ижобий таъсирини бир қатор жараёнларда кузатиш мумкин. Хусусан, тинчлик ва осойишталик инвестицион барқарорликка замин ҳозирлайди. Диний бағрикенглик муҳотида жамиятда зиддият ва тоқатсизликка ўрин қолмайди, бу эса иқтисодиёт раванкига ижобий таъсир кўрсатади. Акс ҳолда, миллатлараро, динлараро ва ҳатто мазҳаблараро низоларнинг келиб чиқиш эҳтимоли ортади, ушбу ҳолатда эса нормал иқтисодий фаолият оқсайди ва инвестиция муҳити заифлашади. Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳотида мамлакат фуқаролари ўртасидаги ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади, муҳими инвесторлар учун ишончли ва барқарор шароит юзага келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жорий йилнинг февраль ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати Концепцияси ҳақидаги ЎРҚ-1037-сонли Қонуни давлатчилигимиз ривожининг бой миллий-тарихий тажрибасига ва умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган

бўлиб, кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистонда умумжамият манфаатларини рўёбга чиқариш, демократия, дунёвийлик, эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик асосида ўзаро тотувликда яшаш ҳамда изчил тараққий этиш учун зарур барқарор муҳитни таъминлашга қаратилгандир.

Ушбу Концепцияда иқтисодиётни тартибга солиш йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари сифатида давлатнинг иқтисодий сиёсатга доир қарорлари эмпирик далиллар, оқилона таҳлил ва объектив кузатувлар асосида қабул қилинишини таъминлаш, иқтисодий сиёсат юритишнинг илмий ва услубий асосларини кенгайтириб бориш, иқтисодиёт субъектларининг молия ва банк хизматларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт субъектлари томонидан истеъмолчиларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини диний қарашлар асосида чеклашга йўл қўймаслик, иқтисодиёт субъектлари томонидан иқтисодий фаолият турларини, бизнес-ҳамкорларни, савдо-шерикларни танлашда иқтисодий эркинлик ва очиқ бозор принципларига риоя этишнинг аҳамиятини тушунтириб бориш, иқтисодиётнинг ҳаётий муҳим тармоқлари, шу жумладан озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий техника, гигиена воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомаласи соҳаларидаги иқтисодий муносабатларда умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига амал қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг иқтисодиёт қонуниятлари, принциплари ва институтлари ҳақидаги объектив тасаввурларини бойитиш, уларда бозор иқтисодиёти ҳақида эмпирик далиллар тўплаш, оқилона таҳлил ва объектив кузатув асосида иқтисодий қарорлар қабул қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш, илм-фан, инновациялар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни тизимли қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш кабилар келтирилган [1].

Ўзбекистон сўнгги йилларда иқтисодий соҳадаги туб ислохотлар орқали барқарор ривожланиш йўлини танламоқда. 2017 йилдан бошлаб амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакат иқтисодиёти жадал ўсишга эришди. Миллий валютани эркин конвертация қилиш, хусусий тадбиркорлик

учун тўсиқларни бартараф этиш ва хорижий сармоядорлар учун имтиёзли шароитлар яратиш каби чоралар самара бермоқда. 2017-2022 йилларда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши 5,3% ни ташкил этгани ва янги иш ўринларининг яратилиши халқ фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатгани маълум бўлди [4]. 2023 йил якунларида ялпи ички маҳсулотнинг 6% га ўсиши, инфляция даражасининг 9% дан паст бўлиши ҳамда ташқи савдо айланмасининг барқарор ўсиши ушбу ислохотларнинг муваффақиятини тасдиқлайди [4].

Ўзбекистон инвесторлар учун очик иқтисодий сиёсат юритаётганини халқаро майдонда ҳам намоён этмоқда. 2024 йил май ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форумида 2500 дан ортиқ киши, жумладан кўплаб хорижий сармоядор ва экспертлар иштирок этгани мамлакатнинг инвестиция муҳитининг қулай ва жозибадор эканлигини акс эттирди. Президент Ш. Мирзиёев 2023 йил якунлари бўйича нутқида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсиши ҳамда инфляция даражасининг нисбатан паст даражада ушлаб турилганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётига 60 миллиард АҚШ долларидан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилгани ҳам ушбу ислохотларнинг ижобий натижаларини яққол намён этади [5].

Агросаноат комплекси жадал суръатларда модернизация қилинмоқда, хусусан, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш, суғориш тизимларини янгилаш ва экологик тоза технологияларни жорий этиш натижасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши 5% га ошди. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, жумладан 2024 йилда қуёш энергетикасининг жами электр ишлаб чиқаришдаги улуши 10% га етди.

Жамиятдаги ижтимоий барқарорликни сақлаш ва халқ фаровонлигини оширишда янги иш ўринлари барпо этиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда бир миллион нафардан зиёд аҳоли касб-хунарга ўқитилиб, хусусий тадбиркорликни бошлашига қўмаклашилди.

2022 йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 5% ни ташкил этди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик нафақат маънавий-ахлоқий қадрият, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун ҳам асосий омил ҳисобланади. Дин ва эътиқод эркин бўлган жамиятда тотувлик, инновация ва инвесторлар учун ишончли муҳит яратилиб, умумий фаровонликка олиб келади. Ўзбекистон мисоли ушбу жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратилишида диний бағрикенглик ва эркинликни таъминлашнинг аҳамиятини яна бир бор исботлайди.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати Концепцияси ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг “Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари” деб номланган бобида баён этилган иқтисодиётни тартибга солишга оид кенг қўламли вазифалар ижросини таъминлаш юртимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитининг бардавом бўлишига, пировардида, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (2025). Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси. № ЎРҚ:-1037, 25 февраль 2025.
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – URL: <https://president.uz/ru/lists/view/1063>
3. Ўзбекистон ишлаб чиққан ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция. – URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/12/13/un/>
4. Ўзбекистон Миллий статистика қўмитаси ва иқтисодий мониторинг марказлари маълумотлари. (2017–2023).
5. Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳужжатлари. (2024). <http://investmentforum.uz>.
6. Барқарор ривожланиш маркази (БРМ). Камбағалликдан қачон бутунлай халос бўламиз? <https://brmnnt.uz/uz/newid/292>